

**«УЧРАШУВ»ДА ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА ЖАҲОЛАТ ТЎҚНАШУВИ****Холикова Нодира Джохонгировна**

Алишер Навоий номидаги Тошкент

давлат ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти

*nodira.79@inbox.ru**<https://doi.org/10.5281/zenodo.11199451>*

**Аннотация.** Уибу мақола Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Учрашув” асари қаҳрамонлари Юсуф ва Ширин образлари орқали илм-маърифат фойдаси ва жаҳолат фожиаси ҳақидаги қарашларининг бадиий инъикоси таҳлилига бағишиланган.

**Калим сўзлар:** диний-тарихий шахс, гўзаллик рамзи, меҳрибон она, итоатгўй рафиқа, ибрат, халқнинг “кўзини очиши”, илк жадид роман.

**CLASH OF KNOWLEDGE AND IGNORANCE IN "UCHRASHUV"**

**Abstract.** This article is devoted to the analysis of the artistic perception of Hamza Hakimzade Niyazi's views on the benefits of science and the tragedy of ignorance through the images of the heroes of the “Meeting” Yusuf and Shirin.

**Keywords:** religious and historical personality, a symbol of beauty, a loving mother, an obedient wife, a model example, "open the eyes" of the people, the first Jadid novel.

**СТОЛКНОВЕНИЕ ЗНАНИЯ И НЕЗНАНИЯ В «УЧРАШУВ»**

**Аннотация.** Данная статья посвящена анализу художественного восприятия взглядов Хамзы Хакимзаде Ниязи на пользу науки и трагедию невежества через образы героев “Встречи” Юсуфа и Ширин.

**Ключевые слова:** религиозно-историческая личность, символ красоты, любящая мать, послушная жена, пример-образец, "открыть глаза" народу, первый джадидский роман.

Кўқон адабий муҳити вакили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий илму маърифат тарғибида сабит бўлди: “Ҳар бир бойлик ва тараққий илм ва маърифатнинг соясинадур. Кўрасизми, бошқа миллатлардаги халқ илм учун ёшгина ўғул ва қизларни Оврўподан Амриқога, Осиёдан Оврўпоға, демак, тўрт-беш йил мусоффур қилиб юборалар. Лоақал сиз кўз олдингизда бўлган туземнический мактабларина беринг! Шояд келажакдаги оғирликлардан сизнинг тарбиянгиз соясинда саломат қутқорулсун”, дегонингда лабларни буруб, ажаблар

қилурлар...”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, айни шу замонда халқимиз илму маърифатли, миллатпарвар, фидойи ёшларга ҳар доимидан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёжманд эди.

Ҳамза ўз ижоди билан янги ўзбек адабиётининг шаклланишига катта ҳисса кўшган ва жадидчилик ғояларини илгари суришда жонбозлик кўрсатган миллатпарвар адилардан бири бўлиб, илк миллий романчилигимизга (Ҳамза асрлари роман жанри талабларига жавоб бермагани учун уларни роман эмас, роман ёзиш учун илк уриниш сифатида эътироф этилади) тамал тоши қўйганлардан эди. Ҳамзанинг «Учрашув» (1916) асари «Бефарзанд Очилдибой» (1914) сингари тўлиқ етиб келмаган. Унинг фақат «Учрашув» бобидан парчалар сақланиб қолган бўлиб, атиги 15 бети бизгача етиб келган. Унда Ширин, Юсуф, Розиқбой, Аброр каби образлар орқали майший масалалар қаламга олинган. Муаллиф Салима, Ширин каби образлар баёнида хотин-қизлардаги ибо, ҳаё ҳамда оиласпарварлик хусусиятларига юқори баҳо беради, бу орқали мукаммал турмуш учун аёл ҳам мукаммал бўлмоғи зарурлигини исботлайди. “Учрашув” асари (иккинчи номи “Тўрт ишқ”) орқали оила, жамият тараққиёти учун аёлнинг баркамол бўлиши лозимлиги ҳакидаги хуласа англашилади. Асарда ёшларнинг кўнгил туғёнлари, муҳаббат манзараси гўзал чизгиларда берилган.

Асар номида муайян рамзийлик бор. 16 ёшга кирган ёш, беғубор, маъсума киз Ширин аввал Аброр, сўнгра Юсуф билан илк бор учрашганида икки йигитнинг икки хил табиати, дунёқарashi, маънавий-рухий оламига дуч келади. Бу икки йигит тимсолида ёзувчи илм-маърифат фойдаси ва жаҳолатнинг заарини кўрсатиб берган. Анъанавий мумтоз адабиётда севишганлар ҳар доим номалар ёзиб, у орқали дил изҳорларини билдиришган. Аброр ёзиш илмидан бехабарлиги, саводсизлиги сабабли Ширин учун мактубни бировнинг ёрдами билан ёздирмоқчи бўлади. Юсуф эса севги изҳори битилган шундай гўзал мактуб йўллайдики, Ширин беихтиёр Юсуфга ошиқа бошлайди.

Асарда Юсуф, Ширин каби тарихий-бадиий шахсларнинг номи келиши бежиз эмас. Юсуф диний-тарихий шахс ва гўзаллик рамзи<sup>2</sup>. “Учрашув”даги Юсуф ҳам гўзал ахлоқли ва илмли шахс. Бунинг боиси унинг тарбиясида эди. Юсуфнинг онаси Салима меҳрибон она

<sup>1</sup> Каримов Н. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг XX аср ўзбек адабиёти тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчи Зебо Қобилова. – Фаргона, 2019. – 38 б.

<sup>2</sup> “Куръони Карим” нозил бўлиши билан Юсуф образи мусулмон халқлари орасида, халқ оғзаки ижодида ва адабиётида бир неча талқинларда ишланиб, сайқалланиб борди. IX асрдан бошлаб Шарқда 150 дан ортиқ “Юсуф ва Зулайҳо” достон ва қиссалари вужудга келгани маълум.Faқат туркий адабиётда “Юсуф ва Зулайҳо” ҳакида 50 га яқин асар яратилган. Жумладан, Кул Али, Носириддин Рабгузий, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Мулла Юсуф Ёркандий, Нозим Ҳиравий, Сайқалий, Хиромий, Салохий, Андалиб, Ҳозиқ каби ижодкорлар қисса ва достонлар битганлар // Шодмонов Н. “Илоҳийнома”да Юсуф образи / <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/nafas-shodmonov-ilohiynama-da-yusuf-obrazi/>

ва итоатгүй рафиқа тимсоли. Отаси Абдурахмон иккинчи турмуш ўртоғи Сорага айтган сўзларидан шу нарса англашиладики, Юсуфнинг хуштабиат, мулойим, хушхўйлиги ҳамда қизи Ҳалиманинг гўзал хулқли ва ҳар қандай ишни ўгай онасидан кўра яхши эплаши онаси Салима туфайли эди. Ёзувчи бу ўринда фарзандлар тарбиясида онанинг нечоғли мухим ўрин тутишига ургу беради.

Шу ўринда Ширин образи ҳам халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётда кенг ўрин олган анъанавий образ. Алишер Навоий яратган Ширин тимсолида ўрта асрлар Шарқ аёлига хос бўлган барча гўзал фазилатлар мужассам. “Учрашув”даги Ширин ҳам, ўз ўрнида, жасур, ахлоқли, илмли ва илмлиларни хуш кўрувчи образ сифатида тасвиранланган.

Неча асрлардан буён халқимизга таниш Юсуф ва Ширин образлари билан Ҳамза қаҳрамонлари ўртасида маънавий ва руҳий уйғунлик бор. Ижодкор барча ёшларга Юсуфни ва Ширинни ибрат қилиб кўрсатишни, халқнинг “кўзини очиш”ни истагани шубҳасиз.

Асарнинг биргина фасли орқали илм-маърифат тарғиби, пок муҳаббат, севгида вафо, оиласа садоқат, эрлик ва аёллик бурчи, фарзанд тарбиясида онанинг мухим ўрин эгаллаши, қолаверса, ёшларнинг ҳою-ҳавасларга, ҳис-туйғуларга берилган “учрашув”лари умри жуда қисқа бўлиши, нафс ва ҳирсни тийиб, оқибатни ўйлаб ўрнатилган муносабатларгина келажакда хайрли натижалар бериши ҳақидаги фикр англашилади. Ёзувчи ўз асарини “Учрашув” деб номлаши юқоридаги учала қаҳрамоннинг учрашуви билан бевосита боғлиқ бўлиб, иккинчидан, ёшларнинг илму маърифат билан учрашуви назарда тутилгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Икки хил дунёқарааш, икки хил табиат, икки хил мақсад ва ниятларга эга қаҳрамонларнинг кейинги хаёти асар давомида уларнинг хатти-ҳаракатларига мувофиқ равишда кечиши тайин. Асар бизгача тўлиқ ҳолда етиб келганда қаҳрамонларнинг келгуси тақдири билан танишиш ва ижодкор концепциясини батафсил англаш имкони бўлар эди. Бизга маълум саҳифалардан англашиладиган гоя – илмнинг фойдаси ва жаҳолатнинг фожиасидир. “Миллатни маърифатли кўриш Ҳамзанинг деярли барча асарларидаги асосий фикр ҳисобланади. Илмсизлик туфайли қолоқлик ботқоғига ботган Туркистонга, она Ватанига шоир дард билан мурожаат қиласи:

*Тургил, дардан жисмингни согла, Туркистон,  
Дониш ўтига бағринг доғла, Туркистон*<sup>3</sup>.

Илмни тарғиб қилган ва жаҳолатни қоралаган Ҳамза давр, сиёsat, мафкура тазиикига учраб, жаҳолат қурбони бўлди. Профессор Нурбой Жабборов таъкидлаганидек,

<sup>3</sup> Қосимов Б. Оташин маърифатпарвар // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчи Зебо Қобилова. – Фарғона, 2019. – Б. 27.

“...шўроларнинг қатағон қиличи миллатнинг не-не закий фарзандлари жонига хатар солган мураккаб ва зиддиятли давларда Ҳамза ижодида муросага мойиллик, комфирқа мафкураси таъсирига ён бериш тенденцияси сезилиб туради. Бироқ у жисман ва руҳан миллатпарвар жадидлар сафида тургани, она-Ватанини дунёнинг ривожланган давлатлари, жондан азиз миллатини жаҳоннинг мутараққий халқлари қаторида кўриш орзуисида яшагани ҳам ҳақ рост”<sup>4</sup>.

XX асрда жадид адиларимиз эрк, озодлик, ҳуррият учун қандай курашиш кераклигини фақатгина тушунтириб, тасвирлаб бериш билан кифояланишмади, улар ўзлари ибрат бўлиб кўрсатиб бердилар. Улар ҳам назарий, ҳам амалий фаолиятда жадал одимладилар. Ўз даври учун илк жадид романи сифатида нашр этилган “Учрашув”да жамият ва инсоннинг мукаммал образи ҳақидаги қарашлар илк бор кенг эпик кўламда яратилди.

## REFERENCES

1. Жабборов Н. Ҳамза ва жадидчилик // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчи Зебо Қобилова. – Фарғона, 2019.
2. Каримов Н. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг XX аср ўзбек адабиёти тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчи Зебо Қобилова. – Фарғона, 2019.
3. Қосимов Б. Оташин маърифатпарвар // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчи Зебо Қобилова. – Фарғона, 2019.
4. Шодмонов Н. “Илоҳийнома”да Юсуф образи / <https://ziyouz.uz/ilm-vafan/adabiyot/nafas-shodmonov-ilohiynoma-da-yusuf-obrazi/>

<sup>4</sup> Жабборов Н. Ҳамза ва жадидчилик // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчи Зебо Қобилова. – Фарғона, 2019. – 117 б.